

## VI. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2018 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 2974,2 млрд. сўм. миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2017 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 1118,7 млрд. сўм ёки 60,3 % га кўпайган.

### 2018 йилнинг январь-февраль ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-февралига нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>2974,2</b>	<b>160,3</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	-123,0	-
Ишлаб чиқарадиган саноат	1777,7	3,2 м.
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-102,4	-
Қурилиш	24,7	67,0
Савдо	232,3	123,8
Ташиш ва сақлаш	1107,5	189,7
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	9,6	96,4
Ахборот ва алоқа	-189,1	-
Молиявий ва суғурга фаолияти	43,6	153,8
Кўчмас мулк билан операциялар	25,3	102,9
Профессional, илмий ва техник фаолият	30,4	2,2 м.
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	20,9	120,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	7,0	120,2
Бошқалар	109,7	43,2

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Ижобий молиявий натижа (фойда)нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига – 1777,7 млрд. сўмга, ташиш ва сақлашни амалга оширувчи корхоналарга– 1107,5 млрд. сўмга, савдо – 232,3 млрд. сўмга тўғри келади.

Салбий молиявий натижа (зарар)нинг асосий қисми ахборот ва алоқа корхоналарига – 189,1 млрд. сўм, тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш корхоналарига – 123,0 млрд. сўмга, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва хавони кондициялаш корхоналарига – 102,4 млрд. сўмга тўғри келади.

2018 йилнинг январь-февраль ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши “Ўзбекнефтегаз” АЖ (574,6 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ (480,4 млрд. сўм), “ОКМК” АЖ (239,2 млрд. сўм), “НКМК” ДК (73,7 млрд. сўм), “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК (65,6 млрд. сўм), “Ўзқурилишматериаллари” АЖ (41,7 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ (19,6 млрд. сўм)га тўғри келади.

Фойданинг пасайиши “Ўзбекэнерго” АЖ – 156,3 млрд. сўмга, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК – 22,0 млрд. сўмга, “Дори-дармон” АЖ – 6,6 млрд. сўмга, Автомобил йўллари давлат қўмитаси – 2,2 млрд. сўмга, “Ўзбекозиқовқатзахира” уюшмаси – 2,2 млрд. сўмга кузатилган.

### 2018 йилнинг январь-февраль ойларида ҳудудлар кесимида якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд. сўм</i>	<i>2017 йилнинг январь-февралига нисбатан % да</i>
<b>Ўзбекистон Республикаси <sup>1)</sup></b>	<b>2974,2</b>	<b>160,3</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	954,1	7,2 м.
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	-53,2	-
Бухоро	-136,2	-
Жиззах	10,8	162,5
Қашқадарё	183,3	100,1
Навоий	208,0	2,2 м.
Наманган	13,0	98,3
Самарқанд	23,7	123,2
Сурхондарё	20,6	107,8
Сирдарё	29,5	102,6
Тошкент	462,8	2,0 м.
Фарғона	-17,3	-
Хоразм	19,7	97,5
Тошкент шаҳри	696,4	67,4

Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси 954,1 млрд. сўм (жами фойданинг 32,1 %), Тошкент шаҳри 696,4 млрд. сўм (23,4 %),


<sup>1)</sup> Ҳудудларга тақсимланмаган маълумотларни қўшган ҳолда.

Тошкент вилояти 462,8 млрд. сўм (15,6 %) Навоий вилояти 208,0 млрд. сўм (7,0 %) ва Қашқадарё вилояти 183,3 млрд. сўм (6,1 %)га тўғри келади.

**Зарарлар.** 2018 йилнинг январь-февраль ойларида 77 та корхона ва ташкилотлар 923,5 млрд. сўм зарарга йўл қўйди.

Зарарнинг асосий қисми “Ўзбектелеком” АЖ – 339,7 млрд. сўм (республика бўйича жами зарарнинг 36,8 %), шунингдек “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 298,0 млрд. сўм (32,3 %), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги – 104,7 млрд. сўм (11,3 %), “Ўзавтосаноат” АК – 71,4 млрд. сўм (7,7 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 57,9 млрд. сўм (6,3 %) корхоналарига тўғри келади.


**2018 йилнинг январь-февралда зарар қўрган корхона  
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари  
(жамига нисбатан % да)**



**2018 йилнинг январь-февралда иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар  
қўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар суммаси</i>	
		<i>млн. сўм</i>	<i>жамига нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>77</b>	<b>923477,6</b>	<b>100</b>
Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш	4	155524,3	16,8
Ишлаб чиқарадиган саноат	14	144627,0	15,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	19	169430,5	18,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	2	3001,7	0,3
Қурилиш	2	1,5	0,0
Савдо	8	7452,0	0,8
Ташиш ва сақлаш	14	13956,1	1,5
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1	34,6	0,0
Ахборот ва алоқа	3	349287,0	37,8
Профессионал, илмий ва техник фаолият	6	7233,1	0,8
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	1	175,0	0,0
Санъат, кўнғил очиш ва дам олиш	2	2237,8	0,2
Бошқалар	1	70517,1	7,6

**2018 йилнинг январь-февралида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан % да)



Зарарларнинг асосий қисми ахборот ва алоқа – 349,3 млрд. сўм (жами зарарнинг 37,8 %), электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш – 169,4 млрд. сўм (18,3 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш – 155,5 млрд. сўм (16,8 %), ишлаб чиқарадиган саноат – 144,6 млрд. сўм (15,7 %).

#### 2018 йилнинг январь-феврида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари

	Корхоналар сони	Зарар кўрган корхоналарнинг улуғи, % да	Зарар суммаси, млн. сўм
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>77</b>	<b>4,1</b>	<b>923477,6</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	-
<i>вилоятлар:</i>			
Андижон	6	6,3	71773,1
Бухоро	6	4,9	171414,9
Жиззах	3	7,1	2032,9
Қашқадарё	4	3,2	679,0
Навоий	4	6,5	13784,4
Наманган	4	4,1	2957,4
Самарқанд	6	5,2	4338,0
Сурхондарё	2	2,8	2365,8
Сирдарё	3	6,7	2447,3
Тошкент	9	4,0	50698,0
Фарғона	3	2,4	55999,0
Хоразм	2	2,8	524,0
Тошкент шаҳри	25	4,0	544463,7

#### Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик

## қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>

2018 йил 1 март ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 113755,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган – 1480,0 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 1,3 % и.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2017 йилнинг 1 мартига нисбатан солиштирганимизда 5,0 марта ошган, жами дебитор қарздорликдаги улуши 1,0 пунктга ошган.


### 2018 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби

	Жами, млрд. сўм	ундан:			Мудда ти ўтган қарздор лик- нинг улуши, % да
		харидор ва буюртмачилар	етказиб берувчи ларга ва пудратчи- ларга берилган аванслар	ички идора вий	
<b>Жами</b>	<b>1480,0</b>	<b>1276,8</b>	<b>47,4</b>	<b>66,8</b>	<b>1,3</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	249,7	215,6	13,1	4,7	2,1
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	834,7	811,3	18,8	2,8	7,3
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни	47,5	43,9	3,6	-	13,3
Қурилиш	30,1	28,4	1,7	-	2,2
Савдо	136,0	133,2	0,6	2,2	1,7
Ташиш ва сақлаш	16,5	12,7	0,9	0,0	0,1
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	0,2	0,2	-	-	0,4
Профессional, илмий ва техник фаолият	68,9	12,6	7,8	35,3	0,6
Бошқалар	96,4	18,9	0,9	21,8	0,2

### 2018 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, сугурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

(жамига нисбатан % да)



Энг кўп дебитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ корхоналари – 73132,8 млрд. сўм (республика бўйича жами қарздорликдан 64,3 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 11909,0 млрд. сўм. (10,5 %), “Ўзавтосаноат” АК – 4530,2 млрд. сўм (4,0 %), “Ўзпахтасаноат” АЖ – 3766,6 млрд. сўм (3,3 %), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 2481,9 млрд. сўм (2,2 %) кузатилмоқда.

Энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиш Олмалик КМК АЖ - 2,1 мартага (245,5 млрд. сўм), Навоий КМК ДК – 89,3 % га (297,5 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 53,9 % га (869,1 млрд. сўм), “Ўзавтосаноат” АК - 37,8 % га (1243,5 млрд. сўм), “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ - 22,9 % га (58,6 млрд. сўм), “Ўзбекнефтегаз” АЖ - 19,9 % га (12151,6 млрд. сўм) кузатилмоқда.


Дебитор қарздорлик “Ўзкимёсаноат” АЖ - 28,3 % га (754,7 млрд. сўм) “Ўзбекэнерго” АЖ - 27,8 % га (4574,9 млрд. сўм.), камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари, ҳудудларда ва идораларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолмоқда.

2018 йил 1 март ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 100770,8 млрд. сўм, ундан муддати ўтган – 2077,3 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 2,1 % ини ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 1,6 марта ўсди, шу жумладан “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ – 7,7 мартага, “Ўзкимёсаноат” АЖ – 2,7 мартага, “НКМК” ДК – 2,1 мартага ўсди.

**2018 йил 1 март ҳолатига вазирлик ва идораларнинг кредитор қарздорлиги**  
(жамига нисбатан % да)



Энг кўп кредитор қарздорлик “Ўзбекнефтегаз” АЖ – 52675,0 сўм (республика бўйича жами кредитор қарздорликдан 52,3 %), “Ўзбекэнерго” АЖ – 7988,9 млрд. сўм (7,9 %), “Ўзавтосаноат” АК – 7174,3 млрд. сўм (7,1 %) кузатилди.

Энг кўп кредитор қарздорликдаги ўсиш “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ - 191,9 % га (793,2 млрд. сўм), Навоий КМК ДК - 146,0 % га (673,8 млрд. сўм), Олмалик КМК АЖ - 134,4 % га (270,6 млрд. сўм), “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 106,0 % га (1274,1 млрд. сўм), “Ўзавтосаноат” АК - 62,4 % га (2756,5 млрд. сўм) кузатилди.

Кредитор қарздорлик “Ўзбекэнерго” АЖ - 50,7 % га (8211,9 млрд. сўм), “Ўзкимёсаноат” АЖ - 39,3 % га (788,9 млрд. сўм), “Ўздонмахсулот” АЖ - 26,6 % га (265,3 млрд. сўм) камайди.



**2018 йил 1 март ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда ти ўтган қарз- дорлик нинг улуши, % да
		етказиб берувчи лар ва пудрат чиларга	Бюд жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фонд- ларига тўловлар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>2077,3</b>	<b>1720,6</b>	<b>10,8</b>	<b>14,7</b>	<b>38,1</b>	<b>2,1</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	1090,0	916,9	1,9	-	4,2	5,2
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	579,3	559,3	1,3	6,0	3,7	4,6
Қурилиш	0,5	-	-	-	0,3	0,0
Савдо	40,1	40,1	-	-	-	0,4
Ташиш ва сақлаш	26,9	24,9	1,0	0,5	0,1	0,2
Профессионал, илмий ва техник фаолият	93,7	17,8	6,6	1,8	29,8	0,9
Бошқалар	246,8	161,6	0,0	6,4	0,0	0,8

2018 йил 1 март ҳолатига жами дебитор қарздорликнинг кредиторликдан ошиши 12985,1 млрд. сўмни ташкил қилди.

Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг дебиторликка нисбатан ошиши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

	Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши	
	млрд. сўм	дебиторга нисбатан % да
“Ўзавтосаноат” АК	2644,1	58,4
“Ўзбекизоқовқатхолдинг” ХК	1152,2	4,4 м.
“Ўзпахтасаноат” АЖ	1013,6	26,9
“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ	892,2	3,9 м.
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги	505,3	51,0
“НКМК” ДК	504,7	80,0
Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси	376,0	99,0
“Дори-Дармон” АК	320,7	3,4 м.

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан % да</i>
“Ўзметкомбинат” АЖ	320,4	54,9
“Ўзэлтехсаноат” АЖ	180,1	67,6
“Ўзмахсусмонтажжурилиш” АЖ	123,8	7,2 м.
Олмалиқ КМК АЖ	106,8	29,3

### Алоҳида хўжалик бошқарув органларининг дебитор ва кредитор қарздорлиги

млрд. сўм



■ Дебитор қарздорлик    ■ Кредитор қарздорлик

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши “Ўзавтосаноат” АК - 2644,1 млрд. сўмга (58,4 %), “Ўзбекизоқовкатхолдинг” ХК - 1152,2 млрд. сўмга (4,4м.), “Ўзпахтасаноат” АЖ - 1013,6 млрд. сўмга (26,9 %), “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ - 892,2 млрд. сўмга (3,9 м.), Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - 505,3 млрд. сўмга (51,0%), “НКМК” ДК - 504,7 млрд. сўмга (80,0 %), Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати корхоналари уюшмаси - 376,0 млрд. сўмга (99,0 %), “Дори-Дармон” АК - 320,7 млрд. сўмга (3,4м.), “Ўзметкомбинат” АЖ - 320,4 млрд. сўмга (54,9 %), “Ўзэлтехсаноат” АЖ - 180,1 млрд. сўмга (67,6 %), “Ўзмахсусмонтажжурилиш” АЖ - 123,8 млрд. сўмга (7,2 м.), Олмалиқ КМК АЖ – 106,8 млрд. сўмга (29,3 %) кузатилди. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.